

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадрли дўстлар!
Сиз, азизларни, ҳаётини дунёдаги энг улуг ва олижаноб ишга — навқирон авлод таълим-тарбиясига бағишлаган муҳтарам устоз ва мураббийлар, соҳанинг барча жонқуяр ходимларини умумхалқ байрами — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод етказам.

Мана шундай қувончли кунда сиз, меҳрибон устозларга эл-юртимизнинг юксак ҳурмат-эҳтиромини яна бир бор изҳор этиб, барчангизга Янги Ўзбекистон келажагини яратиш йўлидаги машаққатли ва шарафли меҳнатингиз учун чин қалбдан ташаккур билдираман.

Хурматли устоз ва мураббийлар!
Яқинда сизлар билан бўлиб ўтган очиқ, айтиш мумкинки, тарихий мулоқотимизда таълим-тарбия тизимидagi ишларимизни чуқур таҳлил қилиб, уларни янги босқичга кўтариш бўйича аниқ мақсад ва режаларни белгилаб олдик.

Куни кеча Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида таълим соҳасидаги ислохотларимиз натижалари жаҳон ҳамжамиятида катта эътибор ва қизиқиш уйғотди. Бу борада биз эришган ютуқлар халқаро аҳамиятга эга бўлган янги ташаббусларни илгари суриш учун асос бўлди.

Хусусан, кейинги саккиз йилда юртимизда таълим ва илм-фан учун харажатлар 6 карра оширилиб, 378 триллион сўмни ташкил этгани, юзлаб янги боғчалар, мактаб, техникум ва олийгоҳлар қурилгани, таълим ва илм даргоҳларини замон талаблари асосида жихозлаш, устоз ва мураббийларнинг меҳнатини муносиб қадрлашга қаратилган дастурларимиз алоҳида эътироф этилди.

Бу ҳақда гапирганда, мамлакатимизда қисқа муддатда боғчалар сонини 5200 дан 38 мингга, қамров даражасини 27 фоиздан 78 фоизга оширганимиз, тарбиячилар маоши мактаб ўқитувчилари ойлигига тенглаштирилгани, ушбу муассасалардаги раҳбар ва педагоглар маоши қарийб 2 баробар оширилганини таъкидлаш лозим.

Келгуси йилдан Қорақалпоғистон ва барча вилоятларда Президент мактаблари каби “Янги авлод” боғчалари ташкил этилиб, уларда тарбиячилар илгор педагогик технологияларни ўрганади.

Фарзандларимизга билим ва тарбия беришнинг энг муҳим босқичи — мактаб таълимини ривожлантириш доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Сўнгги йилларда 500 га яқин янги мактаблар ҳисобдан 1 миллион

ўқувчи ўрни яратилди. Хусусий мактабларга йўл очилиши туфайли ота-оналар ва ўқувчилар учун танлаш имконияти пайдо бўлди. Бугунги кунда 200 мингдан зиёд ўғил-қизларимиз ана шундай мактабларда ўқимокда.

Янги ўқув йилидан 12 йиллик мактаб таълими ҳамда 9- ва 11-синф ўқувчилари учун ягона давлат имтиҳонлари жорий қилиниб, уларнинг натижалари бўйича битирувчилар бевосита техникум ва олийгоҳларга қира оладиган тартиб йўлга қўйилади.

Ҳаммамизга аёнки, келажак — замонавий билим билан қуролланган касб-ҳунар эгалариникидир. Биз бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Шу боис, ёшларимизни давр билан ҳамнафас бўлиб, ҳар қандай рақобатга бардош бера оладиган етук мутахассислар этиб тарбиялашимиз керак.

Шу мақсадда ташкил этилаётган Касбий таълим агентлигидан умидимиз катта. Ушбу агентлик касб таълими соҳасига, мавжуд техникумларга халқаро стандартлар асосида янги ҳаёт нафасини олиб кириши зарур.

Бир йил ичида 100 та техникумда Германия, Буюк Британия, Швейцария, Хитой, Корея Республикаси каби ривожланган мамлакатларнинг таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, уларнинг илгор ўқув дастурлари жорий этилади. Жумладан, Англиянинг “Пирсон” компанияси билан ҳудудлардаги 14 та техникумда “БИТЕК” халқаро дастури орқали ёшлар туризм, ахборот технологиялари, тиббиёт, қурилиш, логистика, электротехника, энергетика, машинасозлик, биотехнология, креатив иқтисодиёт каби йўналишларда талаба юқори бўлган касбларни эгаллайди.

Мамлакатимизда дуал таълим билан қамров 5 баробар оширилади. Айни пайтда янги технологияларни ўзлаштириш, чет эллик инвестор ва ҳамкорлар билан эркин мулоқот қилиш учун техникумлардаги хорижий тил соатлари тўрт карра кўпайтирилади.

Умуман, келгуси йилдан янги, рақамли очиқ платформа ишга туширилиб, унда техникум битирувчиларининг касбий кўникмалари ҳақидаги маълумотлар маҳаллий ва хорижий иш берувчилар учун эълон қилинади.

Шу билан бирга, умумий ўрта таълим муассасаларида мактаб маслаҳатчиси лавозимини жорий этилиб, улар 7-синфдан бошлаб ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш билан шугулланади.

Барчангизга маълумки, биз кейинги йилларда олий таълим масаласига устувор аҳамият қаратмокдамиз. Амалга оширилган ислохотларимиз натижасида ўтган саккиз йил ичида

олийгоҳларимиз сони 77 тадан 202 тага, талабалар сони эса 250 мингдан 1,5 миллионга етди. Ёшлар учун олийгоҳларга киришда танлов имконияти кўпайтирилди. Мазкур таълим муассасаларида дарс берадиган ўқитувчиларнинг ойлиги сезиларли даражада оширилди.

Фаннинг муайян соҳасида тадқиқотлар олиб бориб, аниқ натижага эришаётган олимларимизнинг асосий қисмини профессор-ўқитувчилар ташкил этаётгани аниқсиз эътиборлидир.

Қадрли дўстлар!
Биз ўқитувчи ва устозлик касбининг мақоми ва нуфузини оширишга ҳал қилувчи масала сифатида қарамокдамиз. Шу боис, соҳа ходимларининг меҳнат ва яшаш шароитини яхшилаш ислохотларимизнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади. Жумладан, янги йилдан бошлаб камида 15 йил стажга эга бўлган олий тоифали педагогларга ипотека кредити бошлангич бадалининг 25 фоизи қоплаб берилади.

Келгуси ўқув йилида давлат олийгоҳларига ўқишга кирган педагоглар фарзандларининг контракт суммасига 30 фоиз чегирма жорий этилиши мўлжалланмоқда. Ўқитувчиларнинг замонавий компьютер техникаларини харид қилишлари учун 10 миллион сўмгача имтиёзли кредит ажратилади. Янги йилдан соҳа ходимлари учун давлат хизматлари тўлови икки карра камайитирилади. Дунёдаги ТОП-300 талик олийгоҳларга ўқишга кирган бўлгуси педагогларга 20 минг долларгача имтиёзли таълим кредити ажратилади.

Мухтасар айтганда, ўқитувчи ва мураббийлик касбини жамиятимиздаги энг муҳим ва обрўли касбга айлантириш бўйича бошлаган ишларимиз изчил давом эттирилади.

Муҳтарам устозлар, азиз мураббийлар!
Юртимиз тарихидаги икки буюк Ренессанснинг яратган улуг мутафаккири ва алломаларини ҳам ўз вақтида сиз каби ўқитувчи ва муаллимлар тарбиялаб вояга етказган. Бу эзгу анъаналарнинг давомчилари сифатида сиз, азизлар ҳам бугун жонажон Ватанимизда барпо этилаётган Учинчи Ренессанс бунёдкорларини камол топтиришга муносиб ҳисса қўшасизлар, деб ишонаман.

Ана шундай олижаноб мақсад йўлида сизларга мустаҳкам соғлиқ, куч-ғайрат, янги ютуқлар ва оилавий бахт тилайман.

Барчангизга ҳаммиса эл-юртимиз, шогирдларингизнинг ҳурмат ва ардоғида бўлиш насиб этсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Буюк ўзбек йўли

Янги Ўзбекистоннинг сиёсий оҳанрабоиси

ДЕМОКРАТИК, ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ДУНЁВИЙ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДАГИ ИШОНЧ ВА БАРҚАРОРЛИК СТРАТЕГИЯСИ



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга бу галги таширифи ҳам муҳим учрашувлар, ҳар томонлама фойдали келишувлар ва халқаро аҳамиятли ташаббусларга бой бўлди.

Табиийки, мамлакатимиз етакчисининг тигиз кун тартибига қарамай, кучли шижоати, доим олға интилиши ўзгача хаяжон, қувонч ва фахр билан кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилди. “Қойил, бунча куч, шижоатнинг, халқ ва ватан ишларидан чарчамаслиқнинг сирини нимада?” деган саволлар кўп айланди ижтимоий тармоқларда.

Бу саволларга жавоб топиш ҳақидаги ўйлар мамлакат тараққиёти йўлидаги ислохотлар, хусусан, АҚШ сафарини бирма-бир таҳлил этишга ундайди кишини.

Сафарнинг умумий таассуроти-дан кўриндики, АҚШ расмийлари,

ишбилармон доира вакилларининг давлатимиз раҳбари билан яқинроқ муносабат ўрнатишга иштиёқи сезилиб турди. Фикримизни имзо-ланган келишув ҳужжатлари, бўлиб ўтган учрашувлар кўлами ҳам исботлайди. Масалан, давлатимиз

раҳбари бир куннинг ўзида АҚШнинг 20 дан ортиқ йирик компания ва банклари раҳбарлари билан учрашув ва музокаралар ўтказди.

➔ Давоми 3-бетда

1 ОКТАБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ — БИЛИМ, УНИНГ АСОСИ ЭСА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

Шу кунларда суҳбатимиз ўзани таълим, тарбия, устозлар ҳақида бўлиб турибди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Аввало, юртимизда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни сифатида кенг нишонланса, иккинчи омили сентябрь ойида Президентимиз айнан ушбу йўналишда бир неча тадбир ва йиғилишлар ўтказдики, уларда кўтарилган масалалар мамлакатимиз келажаги, педагог ва ўқувчилар тақдири билан бевосита боғлиқ. Бу ҳақда ҳар қанча гапирсак, таҳлил қилсак кам.

Жадид бобомиз Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”, деган гаплари тақдор бўлса-да, ҳаёдан ўтаверади. Чунки таълим ва тарбия кечиктириб бўлмайдиган, эскирмайдиган мавзу бўлиб, бутун ҳам асло аҳамиятини йўқотгани йўқ. Аксинча, таълим-тарбия доимий эътибордаги масала бўлиб қолмоқда. Яъни айтиш керакки, юртимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ҳар қандай лойиҳа, ташаббус ва ғоя келажак учун қўйилган мустаҳкам пойдевор, катта қадамдир.

Янги Ўзбекистоннинг асоси тарбия, таълим ва илм. Биз танлаган йўл шу. Орта қайтмас тус олган ислохотларимиздан муддао шундан иборат. Назаримизда, бу энг тўғри ва оқилона иш тутуми. Бинобарин, илмсиз ҳеч бир натижага эришиб бўлмайди.

➔ Давоми 4-бетда

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ ҚИЁФАСИ ТУБДАН ЎЗГАРДИ

Оролбўйи ҳудудига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги ғоя ва ташаббусларни илгари суриб, кенг қўламли бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари бажарилмоқда. Бу ўзгаришлар натижасида бугун нафақат туман марказлари, шаҳар ва қишлоқлар, ҳатто энг чекка овуллар қиёфаси ҳам янгиланиб, жадал суръатда ривожланмоқда.

Оролбўйида экологик вазиятни юмшатиш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш борасида қабул қилинаётган алоҳида фармон ва қарорлар эзгу ишларга мустаҳкам замин яратмоқда. Масалан, Президентимизнинг жорий йил 14 августдаги “Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий

ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни янада жадаллаштириш тўғрисида”ги қарорига кўра, 2025-2026 йилларда Қорақалпоғистонни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун махсус дастур тасдиқланди.

➔ Давоми 2-бетда



ЎТГАН КУНЛАР ЎТДИ, “ЎТКАН КУНЛАР” ҚОЛДИ

6



Мурат АТАМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Жўқорғи Кенгеси қўмита раиси

Бошланиши 1-бетда

Унга мувофиқ, логистика хабларини ташкил этиш белгиланган. Шу боис, ҳудудни Қозоғистоннинг Қизилўрда вилояти билан боғлайдиган Қизилўрда — Тахтақўпир автомобил йўлини куриш борасида ҳукуматлараро қўшма комиссия доирасида музокаралар ўтказилди. Ҳудди шундай масалада Туркменистон томони билан ҳам келишувлар ўтказишга ҳозирлик қўрилмоқда. Бунда Қорақалпоғистонни Туркменистоннинг Тошовуз вилояти билан боғлайдиган Хўжайли — Тошовуз чегара постини очиш масаласи қўрилади. Музокаралар натижасига кўра аниқ асосланган таклифлар ишлаб чиқилади.

Шу каби хайрли ишлар сўнгги йилларда қорақалпоғистонликлар ҳаётида катта бурилиш ясади. Жумладан, аҳолини кўп йиллардан буён қийнаб келаётган боғча, мактаб, тиббиёт муассасалари, йўл инфраструктура-си, сув ва газ таъминоти, маиший хизмат бўйича муаммолар ҳал этилди. Масалан, 2016 йилда Қорақалпоғистонда бор-йўғи 6 та олий таълим муассасаси бор эди. Жорий йилга келиб улар сони 11 тага етди. Ёшларимизнинг олий ўқув юртиларига кириш кўрсаткичи 2016 йилдаги 9 фоиздан 45 фоизга ўсди.

“ Бу йилнинг дастлабки олти ойида салкам шу кўрсаткич қайд этилиб, 24,8 миллион долларлик туризм хизмати кўрсатилган. Эътиборлиси, фақат Мўйноқ ва Орол денгизига келувчи сайёҳлар сони ўтган йили 70 мингни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг олти ойида 100 мингга етди.



Ислохотлар амалда

талабга қараб 50 ўрин бўлиши мумкин. Ушбу талабалар ўқишни тамомлагач, камда тўрт йил Қорақалпоғистонда ишлаб беради. Бу ма-лакали кадрларга эҳтиёжни қоплаш, ҳудудни янада ривожлантиришда қўл келади.

Бундан ташқари, давлат гранти асосида олий таълим олиши учун Қорақалпоғистонда

“ Талабалар замонавий биноларда таълим олиши учун ўтган йили Нукус давлат педагогика институтида 76 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Янги бино фойдаланишга топширилди. Жорий йилда Нукус давлат техника университети ташкил этилди. Шунингдек, “Тест маркази” учун қиймати 18 миллиард сўмлик янги бино қурилди. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 1200 нафар абитуриент тест синовини топшириш имконига эга.

доимий яшайдиган ёшларга 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб келгуси 3 ўқув йили давомида қўшимча 500 та мақсадли квота ажра-



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

“ Халқимизни рози қилиш йўлидаги бунёдкорлик ишлари ортага қайтмас тус олган. Мазкур қарор ва унинг ижросига қаратилган сай-ҳаракатлар фикримизни тасдиқлайди. Шундай тарихий жараёнда муҳим вазифалар ижросини таъминлаш ҳар биримиздан янада фаол ва ташаббускор бўлишни талаб қилади.

АДОЛАТ, АНИҚЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИККА ҚАРАТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ

СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗАДА ВИРТУАЛ АУТОПСИЯ ТАДҚИҚОТЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ



Адолат давлатчиликнинг мустаҳкам пойдеворидир. Уни қарор топтириш эса судларнинг асосий вазифаси. Бинобарин, судда қўрилаётган ишлар ортида инсон тақдирى ётади. Бугун орамизда турли характердаги инсонлар учрайди. Қайси биридир хайрли ишлари ортидан дуо олаётган бўлса, бошқа бири ўзига фирибгарлик, тамагириликни қасб қилиб олган. Ачинарлиси, баъзи диёнатли инсонлар тухмат, оддий айтганда, шантаж орқали бўрси, яқин кишилари, оиласидан ажралмоқда.

Айни пайтда рақамли технологиялар шиддат билан ривожланмоқда. Фирибгарлар сунъий интеллект технологиялари ёрдамида яқинингиз, оила аъзоларингиз овозини юбoриб, пул ишламоқда. Бундай ҳолатларда суд экспертлари хулосаси муҳим аҳамиятга эга. Суд-тергов жараёнида иш юзасидан махсус билимга эга мутахассиснинг фикри талаб қилинганда эга экспертига мурожаат қилинади. Улар берган хулоса адолатли қарор қабул қилинишида алоҳида аҳамиятга эга.

Суд соҳасини такомиллаштириш давлатимизнинг доимий эътиборида. Сўнгги саккиз йилда суд-ҳуқуқ соҳасига доир 70 га яқин қонун, фармон ва қарор қабул қилинган, моддий-техник база яхшиланиши ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Энди ислохотларни изчил давом эттириш учун суд-экспертлик фаолиятини янада ривожлантириш, соҳани рақамлаштириш, замонавий технологиялар, шу жумладан, сунъий интеллект технологияларини тизимга жорий этиш зарур.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 8 сентябрдаги “Суд-экспертлик фаолиятини янада рақамлаштириш ва соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан бу борада янги механизмлар белгилаб берилди.

— Одил судлов факатгина ишончли далилга таянгандагина ҳақиқий қийматга эга бўлади, — дейди адлия вазирининг ўринбосари Шероод Рабиев. — Ҳужжат билан соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш чоралари белгиланди. Хусусан, суд-экспертлик фаолиятини рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш, соҳада электрон ҳужжатлар алмашинуви йўлга қўйиш,

замонавий илм-фан ва техника ютуқлари, суд экспертизасининг янги илмий усул ва асосларини соҳага жорий этиш, нодавлат суд экспертизаси институти ролини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Биргина суд-тергов органлари ҳамда экспертиза муассасалари ўртасида электрон ҳужжатлар алмашинуви йўлга қўйиш орқали тадқиқотлар ўтказиш мuddати қисқаради ҳамда йилгига 9-10 миллиард сўмни тежаб қолишга эришилади.

Шунингдек, янги экспертиза ва тадқиқот турларини жорий этиш, тадқиқот ўтказиш жараёнларига замонавий ахборот технологиялари, жумладан, сунъий интеллект технологиялари имкониятидан фойдаланиш ҳам назарда тутилган.

Тахлилларга кўра, биргина 2024 йилда кибержиноятлар сони 2023 йилдагига нисбатан 10 баробар ортган. Шу боис, ҳужжатда сунъий интеллект технологиялари орқали содир этилган ҳуқуқбузарликни қисқа муддатда фош этиш, рақамли фотосураш ва видеоёзувда монтаж белгиларини аниқлаш ва бошқа қатор долзарб экспертиза турларини жорий этиш ҳам белгиланди.

Қарор билан ҳудудларда ўтказиладиган экспертизалар турини кўпайтириш орқали суд экспертизаси турларини номарказлаштириш ҳам назарда тутилган. Таъкидлаш жоизки, экспертиза муассасаларининг ҳудудий бўлиmlарда ўтказиладиган экспертиза турларининг камлиги суд-тергов органлари ҳамда аҳолининг ортиқча оворагарчилигига сабаб бўлмоқда. Шунга мувофиқ, келгусида ҳудудларда ўтказиладиган экспертиза турларини 35 тадан 50 тагача етказиш белгиланди.

Эндиликда судлар, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юриятган органлар билан электрон ҳужжатлар алмашинувини таъминлашга мўлжалланган “Е-eksperitiza” электрон ахборот тизими суд экспертизаси ташкилотлари фаолиятига тўлиқ таътиқ қилинади.

— Мазкур қарор доирасида нафақат марказимиз, балки ҳудудий бўлиmlаримизнинг ҳам моддий-техник базаси такомиллаштирилади. Бу эса уларда ўтказиладиган экспертиза турларини янада кўпайтириш ва бўлиmlар фаолиятини халқаро стандартларга мослаштириш имконини беради, — дейди Х.Сулаймонова номидagi Республика суд-экспертиза маркази директори Ақром



Халилов. — Хусусан, марказимиз ва ҳудудий бўлиmlаримиз учун 356 турдаги 605 та ускуна ва жиҳоз харид қилинади. Натижада марказимиздаги 9 та лаборатория ҳамда 13 та ҳудудий бўлиml зарурий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланади. Бундан ташқари, ҳудудий бўлиmlларда 6 та янги лаборатория ва қўшимча равишда 15 дан ортиқ экспертиза турлари жорий этилади.

“Е-eksperitiza” платформаси ва экспертиза тайинловчи органларнинг ахборот тизимлари ўртасида ўзаро электрон ахборот алмашинуви 2026 йил 1 январдан бошлаб республика, 2026 йил 1 июндан бошлаб Қорақалпоғистон

Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб эса туман даражасидаги экспертиза тайинловчи органларда йўлга қўйилади.

— Суд экспертизаси муассасаларининг моддий-техник базасини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳудудий бўлиmlларида ўтказиладиган экспертиза турларини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга, — дейди жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур тумани суди судьяси Ҳасан Очилов. — Шунингдек, суд-тергов органлари ва экспертиза муассасалари ўртасида “Е-eksperitiza” платформаси орқали ҳужжатлар алмашинуви йўлга қўйилиши долзарб вазифалар сирасидан. Ҳужжатда бел-

тиза ўтказиш жараёнидаги бошқа ҳужжатлар алмашинуви “Е-eksperitiza” платформаси орқали амалга оширилади.

2026 йил 1 июлга қадар суд-экспертлик фаолиятида фото, аудио, видеоматериаллар ва матн кўринишидаги маълумотлар, 2026-2027 йилларда бошқа экспертиза турлари бўйича тадқиқотларни ўтказишда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш йўлга қўйилади.

— Ҳужжатда ички ишлар органлари эксперт-криминалистика бўлиmlлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 6,2 миллион доллардан ортиқ қийматга эга 45 турдаги ёки 1870 донa криминалистик воситани харид қилиш белгилангани жиноятларни фото этишда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош маркази бошлиги Саидолм Нуритдинов. — Қолаверса, суд экспертизаси соҳасида тадқиқотлар ўтказувчи мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда ривожланган давлатларнинг илгор иш тажрибасини чуқур ўрганиб, мамлакатимизда экспериментал синовдан ўтказиш орқали таътиқ этилиши зинмадан юклатилган вазифаларни самарали бажаришга хизмат қилади.

Суд-экспертлик фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида нодавлат суд экспертизаси ташкилотлари фаолияти нотижорат ташкилот сифатида йўлга қўйилади, нодавлат суд экспертизаси ташкилотлари ва суд-экспертлик бюролари суд экспертларининг ихтиёрий аъзолигига асосланган Ўзбекистон суд экспертлари палатаси ташкил этилади.

Яна бир муҳим жиҳат. Нодавлат суд экспертларининг касб ва амалий тайёргарлик даражасини аниқлаш, шунингдек, суд экспертларининг ноқонуний ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолатларнинг адолатли ва холис қўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги хузурида эксперт малака комиссияси фаолияти йўлга қўйилади. Шу билан бирга, нодавлат суд экспертизаси ташкилотлари томонидан ўтказилишига рухсат берилган суд экспертизаси турлари кенгайтирилади.

Давлат суд экспертизаси муассасалари-га ўз балансидаги ускуналарни ҳақ эвазига шартнома асосида бошқа давлат ва нодавлат суд экспертизаси ташкилотларига экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун фойдаланишга топшириш ҳуқуқи берилади.

Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси учун алоҳида қабул қилган тарихий аҳамиятга эга қарори яна қатор янгилликларга сабаб бўляпти. Масалан, ҳудуднинг қадимий, тоғ ва дарё бўйи ҳудудларида янги сайёҳлик йўналишлари манзилли дастур асосида йўлга қўйилиши белгиланган. Ушбу дастур билан Хўжайли туманидаги “Миз-дақхон” археология-архитектура мажмуаси, Қораўзак ва Амударё туманлари ҳудудидagi “Шайх Жалил бобо” зиёратгоҳи, Қораўзак ва Амударё туманлари ҳудудидagi “Аму-Қаратау” дам олиш мажмуаси зарур инфратузилма билан таъминланади. Мана шу ишлар учун 25 миллиард сўм ажратилдиган бўлди.

Шу билан бирга, Қорақалпоқ давлат университети, Урганч давлат университети ҳамда Фанлар академиясининг тарихчи олимлари, тадқиқотчилари ва соҳа мутахассисларидан иборат тадқиқот гуруҳи тузилади. Ушбу гуруҳ янги туризм объектларини очиш учун Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятидаги тарихий объектларни аниқлаш ва тиклаш билан шуғулланади. Тадқиқот гуруҳининг фаолияти илмий-услубий жиҳатдан мувофиқлаштирилади. Унинг самарадорлигини таъминлаш учун эса 2025 йилда Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан Қорақалпоқ давлат университети ҳамда Урганч давлат университетида 5 миллиард сўмдан ажратилади.

Халқимизни рози қилиш йўлидаги бунёдкорлик ишлари ортага қайтмас тус олган. Мазкур қарор ва унинг ижросига қаратилган сай-ҳаракатлар фикримизни тасдиқлайди. Шундай тарихий жараёнда муҳим вазифалар ижросини таъминлаш ҳар биримиздан янада фаол ва ташаббускор бўлишни талаб қилади.

